

**Райимов Нурсултон Миродилович,**  
Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар  
қўмитаси ҳузуридаги "Оила ва гендер" илмий-  
тадқиқот институти таянч докторанти

# ЗЎРАВОНЛИК ҲИССИ БЎЛГАН ЎСМИР ШАХСИ ПРОФИЛИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР

УЎК: 159.9.016.2

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL\\_2025\\_ISSUE\\_11\\_1](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_11_1)

## **РАЙИМОВ Н.М. ЗЎРАВОНЛИК ҲИССИ БЎЛГАН ЎСМИР ШАХСИ ПРОФИЛИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР**

Ушбу тадқиқот ўсмирларда зуравонлик ҳиссининг намоён бўлишига сабаб бўлувчи детерминантлар таъсирини ўрганишга қаратилган. Тадқиқотда смартфонни узоқ вақт ишлатган ўсмирларнинг ғазаб, душманлик, ва жисмоний агрессия каби агрессив хатти-ҳаракатларини кучайтириши аниқланган. Ижтимоий тармоқлар ва онлайн ўйинларнинг ўсмирлар психологиясига таъсири, уларнинг ижтимоий алоқаларини чеклашини ва ҳиссий ҳолатини ёмонлаштириши мумкин. Тадқиқот натижалари ўсмирларнинг смартфон ва рақамли технологияларни бошқариш зарурлигини таъкидлайди.

Таянч сўз ва тушунчалар: ўсмирлар, агрессивлик, смартфон вақти, ижтимоий тармоқлар, психологик ёрдам, стрессни бошқариш, зўравонлик.

## **РАЙИМОВ Н.М. СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ЛИЧНОСТНЫЙ ПРОФИЛЬ ПОДРОСТКОВ, ИМЕЮЩИХ ЧУВСТВО АГРЕССИВНОСТИ**

В исследовании было установлено, что подростки, проводящие много времени за смартфоном, проявляют более высокие уровни агрессии, такие как гнев, враждебность и физическая агрессия. Влияние социальных сетей и онлайн-игр на психологию подростков может привести к ограничению их социальных связей и ухудшению эмоционального состояния. Результаты исследования подчеркивают необходимость управления временем, проведенным за смартфоном, и цифровыми технологиями у подростков.

Ключевые слова и понятия: подростки, агрессия, время за смартфоном, социальные сети, психологическая помощь, управление стрессом, насилие.

## **RAYIMOV N.M. SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS INFLUENCING THE PERSONALITY PROFILE OF TEENAGERS WITH A FEELING OF AGGRESSION**

The research found that adolescents who spend extended periods of time on smartphones exhibit higher levels of aggression, such as anger, hostility, and physical aggression. The influence of social media and online games on adolescents' psychology can lead to limitations in their social interactions and deterioration of emotional states. The study results emphasize the need to manage smartphone and digital technology usage among adolescents.

Keywords and concepts: adolescents, aggression, phone time, social media, psychological support, stress management, violence.

**Ишнинг долзарблиги.** Бугунги кунда жамиятда ўсмирлар орасида кузатилаётган зўравонлик, тажовузкорлик ва деструктив хатти-ҳаракатлар ҳолатларининг ортиб бораётгани жиддий ижтимоий муаммо сифатида кўрилмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида содир бўлаётган оғзаки ва жисмоний зўравонлик, мактабда бўладиган буллинг муносабатлари (таҳқирлаш, мазах қилиш), ижтимоий тармоқлардаги киберзўравонлик ҳолатлари нафақат алоҳида шахслар руҳиятига, балки умумий ижтимоий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу нуқтаи назардан, зўравонлик хисси бўлган ўсмирларнинг психологик профилини илмий асосда ўрганиш ва шакллантириш ниҳоятда муҳимдир. Бу орқали ўсмир шахсининг ички кечинмалари, психологик ҳолати, ҳиссий-иродавий сифатлари ва ташқи муҳит билан ўзаро муносабатлари чуқур таҳлил қилинади.

**Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили.** Ўсмирлик даврида зўравонликка мойилликни тушуниш ва ўрганишда хорижий олимлар томонидан яратилган илмий назариялар ва эмпирик тадқиқотлар муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилади. А. Бандура томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий ўрганиш назариясига кўра, тажовузкорлик инсонда туғма эмас, балки атроф-муҳитдан, айниқса, ёши катталарнинг (ота-она, ўқитувчи) хатти-ҳаракатларини кузатиш ва тақлид қилиш орқали ўзлаштирилади [4]. Бу назария замонавий педагогик ва психологик ёндашувларда ўсмирларнинг зўравонликка бўлган мойиллигини тушунтиришда кенг қўлланилади.

Бу борада бошқа бир муҳим назария бу — “фрустрация –тажовуз” назарияси бўлиб, у Ж.Доллард, Л.Дуб томонидан 1939 йилда ишлаб чиқилган. Уларнинг фикрича, ҳар қандай зўравонлик ёки тажовузкорликнинг асоси — фрустрация, яъни инсон ўз мақсадига эришолмаган ҳолатда юзага келадиган ички руҳий босимдир. Бу ҳолат айниқса ўсмирлик даврида, ўзини жамиятда намоён эта олиш, қабул қилиниш, мустақилликка эришиш каби эҳтиёжлар қондирилмаганда кучаяди. Фрустрацион ҳолатлар доимий тус олганида эса ўсмирда тажовузни ташқи муҳитга, яъни бошқа шахсларга нисбатан йўналтириш ҳолатлари кўпаяди [6].

Психоанализ мактаби вакиллари эса тажовузкорликни инсон табиатидаги биологик инстинктлар билан боғлайди. Бу ёндашув кейинчалик Эрих Фромм томонидан янгича талқин қилиниб, тажовузкорликни “ижтимоий шартланган” ҳодиса сифатида тавсифлайди. Фроммнинг фикрича, инсондаги деструктивлик ва зўравонлик фақат биологик омилларга эмас, балки ижтимоий-иқтисодий ва маданий омилларга ҳам боғлиқ бўлади [11]. Америкалик психолог Л.Берковиц эса тажовузни англашда когнитив компонентларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Унинг назариясида, инсондаги тажовузкорликни фақат фрустрация эмас, балки унга нисбатан қандай талқин ва баҳо берилиши ҳам белгилайди. Масалан, кимдир уни камситди деган талқин, аслида бундай бўлмаса ҳам, зўравонликка олиб келиши мумкин [5]. Бу ёндашув ўсмирлар онгидаги ҳиссий нотўғри талқинлар яъни, “мени менсимаяпти”, “улар менга қарши” каби фикрлар асосида шаклланидиган тажовузга тушунтириш беради.

Шунингдек, ўсмирлар билан боғлиқ зўравонлик ҳолатлари кўпроқ ижтимоий муаммолар контекстида ўрганилган бўлиб, мактаб муҳитидаги буллинг, оиладаги зўравонликка гувоҳ бўлиш, ижтимоий тармоқлардаги киберзўравонлик хорижий адабиётларда ўсмирдаги зўравонлик хулқининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар сифатида ўрганилган. Айниқса, Краиг [2], Олвеус [3] каби олимлар мактабдаги зўравонлик ва унга қарши курашиш стратегияларини чуқур ўрганишган.

Ўзбекистон психология ва педагогика соҳасидаги олимлар ҳам ўсмирларнинг зўравонлик хисси ва тажовузкорлик профилини ўрганишга катта эътибор қаратишган. Маҳаллий тадқиқотларда ижтимоий-маданий муҳитнинг ўзига хослиги, миллий анъаналар, оилавий тузилма ва мактаб муҳитининг ўсмир шахсига таъсири асосий тадқиқот объекти сифатида қаралади. Масалан, С.Р.Нарзиева ўсмирларнинг зўравонлик даражасини ўрганиш доирасида уларнинг оилавий ва мактаб муҳитидаги муносабатлари, шунингдек, оиладаги зўравонликка гувоҳ бўлиш ҳолатлари билан боғлиқлигини таъкидлайди [9]. Унинг тадқиқотида зўравонликка мойил бўлган ўсмирлар кўпинча оилавий муаммоларга дуч келганлиги, ота-она эътиборининг етишмас-

лиги ёки нотўғри тарбия усулларининг мавжудлиги аниқланган.

Тадқиқотчи Ш.Н.Сотволдиев ўз мақоласида зўравонликка мойил бўлган ўсмирларнинг психологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ҳиссий беқарорлик, импульсивлик, паст ўз-ўзини баҳолаш каби хусусиятларга эга эканлигини таъкидлайди [10]. Ж.Шерматов эса мактаб муҳитидаги буллинг ҳолатларини ўрганиб, ижтимоий зўравонликнинг олдини олишда педагоглар, ота-оналар ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлик қилиши лозимлигини таъкидлайди [12]. Унинг тадқиқотида зўравонликка мойил ўсмирларнинг шахсий профилини шакллантиришда мактабдаги ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг роли катта эканлиги қайд этилган. О.Н.Қирғизбоева ўсмирларнинг ижтимоий-психологик ривожланиши хусусиятларини ўрганиш давомида, уларнинг ҳиссий ҳолатлари ва ижтимоий муҳит билан муносабатлари орасидаги боғлиқликни аниқлаган [7]. Тадқиқот натижаларига кўра, зўравонликка мойил ўсмирлар кўпинча ижтимоий изоляция ёки ўзини бошқалар томонидан қабул қилинмаётгандек ҳис қилишади. Хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий изланишлари ўсмирларнинг зўравонлик хиссини ўрганишда нафақат психологик ва педагогик ёндашувларни ривожлантиришга, балки уларнинг ҳар қандай жамиятда соғлом шахс сифатида шаклланишига ҳисса қўшмоқда. Бу изланишлар жамиятнинг ўзига хос ижтимоий-маданий муҳитини ҳисобга олиб, муаммони самарали ҳал қилиш учун зарур илмий асос яратмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади** зўравонлик ҳиссига эга бўлган ўсмирларнинг шахсий профилини илмий асосда ўрганиш, замонавий рақамли технологиялар, хусусан, смартфонларнинг психологик таъсирини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- зўравонлик ҳиссига эга бўлган ўсмирларнинг психологик ва ижтимоий хусусиятларини аниқлаш;
- ўсмирларнинг зўравонлик ҳисси шаклланишида смартфонларнинг таъсирини очиб бериш.

**Тадқиқот усуллари** қуйидагилардан иборат: кузатиш, А.Басс ва А.Даркининг “Тажовуз ҳолатини аниқлаш” [8] методикаси, математик

статистик методлар: тавсифловчи статистика, Спирман корреляцион коэффициенти мезони.

**Тадқиқот объектини** Тошкент Шаҳар Шайхонтоҳур тумани 157 сонли умумтаълим мактаби ўқувчилари. Умумий синалувчилар сони 25 кишини ташкил этади.

**Тадқиқот предметини** зўравонлик ҳиссига эга бўлган ўсмирларга рақамли технологияларнинг ижтимоий-психологик таъсири ташкил этган.

#### **Тадқиқот натижалари ва асосий мазмуни.**

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади — смартфонда сарфланган вақт билан ўсмирларнинг агрессивлик даражаси ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ҳисобланади. Тадқиқотда ўсмирларнинг смартфонда сарфлаган вақти ва агрессивлик даражасининг бир-бирига қандай таъсир қилиши ўрганилади. Ижтимоий тармоқлар ва ўйинлар каби рақамли технологияларни кўп ишлатиш ўсмирларнинг стресс, безовталиқ ва агрессивлик даражасини ошириши мумкин. Бу рақамли технологияларни бошқариш ва ўсмирларни психологик соғломлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот, шунингдек, таълим муассасаларида ўсмирларнинг смартфонда сарфланган вақтини назорат қилиш ва уларга психологик ёрдам бериш йўналишларини ишлаб чиқишга хизмат қилади (1-жадвал).

Тадқиқот натижаларига кўра, смартфондан узоқ вақт фойдаланган ўсмирларнинг агрессивлик даражаси сезиларли даражада юқори бўлган. Бу, айниқса, ғазаб, душманлик ва жисмоний агрессия каби агрессив хатти-ҳаракатларнинг кучайишига олиб келади.

Жисмоний агрессия бўйича ўртача балл 7,56 га тенг бўлиб, бу тадқиқот иштирокчиларининг аксариятида жисмоний агрессиянинг ўртача даражада эканлигини кўрсатади. Телефонни кўпроқ ишлатган ўсмирлар, айниқса 6–8 соат смартфонда вақт ўтказганлар, жисмоний агрессив хатти-ҳаракатлар кўпроқ намоён қилишган.

Оғзаки агрессия бўйича ўртача балл 5,56 бўлиб, бу ўсмирлар орасида оғзаки таъсир ва зиддиятларнинг ўртача даражада бўлишини кўрсатади. Телефон орқали ўтказилган вақтнинг ортиши, айниқса ижтимоий тармоқларда мулоқот ва рақамли муно-

**1-жадвал. А.Басс ва А.Даркининг “Тажовуз ҳолатини аниқлаш” методикаси ва смартфонларга сарфланган вақт бўйича натижалари фоиз кўрсаткичлари**

№	Жисмоний агрессия	Оғзаки агрессия	Ғазаб	Душманлик	Умумий балл	Телефонда сарфланган вақт (соат бир суткада)
1	7	5	6	12	30	4
2	7	1	8	7	23	3
3	7	6	7	14	34	6
4	10	6	4	3	23	2
5	8	9	7	8	32	5
6	10	1	5	11	27	3
7	11	5	8	10	34	7
8	11	2	9	1	23	4
9	0	4	3	13	20	1
10	10	2	10	3	25	5
11	7	5	7	13	32	6
12	10	7	9	11	37	8
13	5	3	5	11	24	3
14	6	5	3	8	22	4
15	6	10	11	11	38	6
16	7	8	6	12	33	7
17	7	4	6	4	21	2
18	6	10	7	5	28	5
19	8	10	5	8	31	4
20	4	8	6	8	26	2
21	9	8	6	8	31	6
22	9	6	8	9	32	7
23	7	6	7	12	32	6
24	8	4	7	11	30	5
25	7	7	6	9	29	6

сабатлар орқали, оғзаки тажовузкорликни кучайтириши мумкин. Ўсмирлар онлайн муҳокамаларда кўпроқ ўз фикрларини ҳимоя қилишга ҳаракат қиладилар, баъзида бу ўзаро мулоқотда тажовузкор хатти-ҳаракатлар ва сўзлар билан ифодаланади.

Ғазаб бўйича ўртача балл 6,95 бўлиб, смартфонни узоқ вақт ишлатган ўсмирлар орасида ғазабнинг ортача кўрсатилган. Бу смартфоннинг рақамли муҳитда ўзини бошқалар билан солиштириш ва онлайн таққослаш жараёнида беқарорлик ва салбий ҳис-туйғуларни келтириб чиқариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Душманлик кўрсаткичи ўртача 9,29 балл бўлиб, бу смартфонни узоқ вақт ишлатган ўсмирлар орасида душманлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Бу натижа шуни кўрсатадики, смартфонни узоқ вақт ишлатиш ўсмирларнинг ижтимоий алоқаларини чеклашига, шу билан бирга, улар ўртасида ўзаро ишончсизлик ва рақобатни кучайти-

ради. Ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформаларда бўладиган доимий баҳслар ва аралашувлар ўсмирларнинг душманлик ҳиссиётларини ошириши мумкин. Тадқиқот натижалари, смартфонни кўп вақт ишлатган ўсмирларнинг агрессивлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади. Телефонда сарфланган вақтнинг кўпайиши ўсмирларнинг ғазаб, душманлик, оғзаки ва жисмоний агрессия каби агрессив хатти-ҳаракатларини кучайтиради. Бу натижалар, рақамли технологиялардан ортиқча фойдаланишнинг ўсмирларнинг психологик ҳолатига салбий таъсир қилишини ва бу ҳолатнинг ижтимоий хулқ-атвори шакллантиришда муҳим рол ўйнашини кўрсатади. Қуйида ушбу натижаларни тавсифловчи статистик мезон орқали натижалар ишончилигини текшириб кўрамиз (2-жадвал).

Жисмоний агрессия: ўртача балл 7,56 бўлиб, энг юқори балл 14 бўлган. Жисмоний агрессия даражаси смартфонни узоқроқ ишлатган ўсмирлар орасида юқори бўлган. Стандарт

**2-жадвал. А.Басс ва А.Даркининг “Тажовуз ҳолатини аниқлаш” методикаси ва смартфонларга сарфланган вақт бўйича натижаларнинг тавсифловчи статистик кўрсаткичлари**

Шкала	Ўртача балл	Минимал балл	Максимал балл	Стандарт оғиш ( $\sigma$ )
Жисмоний агрессия	7,56	0	14	3,53
Оғзаки агрессия	5,56	1	10	2,40
Ғазаб	6,95	3	16	3,84
Душманлик	9,29	1	19	4,36
Умумий балл	29,85	13	43	7,11
Телефонда сарфланган вақт	5,08 соат	1 соат	8 соат	1,47

оғиш ( $\sigma = 3,53$ ) бу кўрсаткичнинг сезиларли даражада ўзгарувчанлигини кўрсатади.

Оғзаки агрессия: ўртача 5,56 баллни ташкил этади. Энг юқори балл 10 бўлиб, энг паст балл эса 1 бўлган. Стандарт оғиш 2,40 бўлиб, бу оғзаки агрессиянинг ўзгариш даражаси ортиқча катта эмаслигини билдиради.

Ғазаб: 6,95 ўртача балл билан, ғазаб даражаси смартфонни узоқ ишлатган ўсмирлар орасида юқори бўлиши кузатилган. Максимал балл 16 ва минимал балл 3 кузатилган. Стандарт оғиш ( $\sigma = 3,84$ ) бу кўрсаткичнинг кенг тарқалганлигини билдиради.

Душманлик: 9,29 балл ўртача натижа бўлиб, душманлик даражаси смартфонни узоқроқ ишлатган ўсмирлар орасида юқори бўлган. Максимал балл (19) ва минимал балл (1) душманлик кўрсаткичининг кенг доирада тарқалганини тасдиқлайди. Стандарт оғиш ( $\sigma = 4,36$ ) кўрсаткичнинг ўзгаришини тасдиқлайди.

Умумий балл: Ўртача 29,85 бўлиб, смартфонни кўп вақт ишлатган ўсмирларнинг умумий агрессивлик даражаси юқори бўлган. Максимал балл (43) ва минимал балл (13) умумий агрессивлик даражасининг кенг доирадаги тақсимланишини кўрсатади. Стандарт оғиш ( $\sigma = 7,11$ ) эса бу қийматларнинг турли ўзгаришлар билан тарқалганлигини билдиради.

Телефонда сарфланган вақт: Телефонни сарфлаш ўртача 5,08 соат бўлиб, энг кам вақт 1 соат, энг кўп вақт эса 8 соат бўлган. Стандарт оғиш ( $\sigma = 1,47$  соат) бу қийматнинг ўртача атрофида сезиларли даражада фарқ қилишини кўрсатади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, смартфонда сарфланган вақт ва агрессивлик даражаси ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Телефонни кўп ишлатган ўсмирлар, айниқса ижтимоий тармоқлар ва онлайн ўйинлар орқали, агрессив хатти-ҳаракатларни кўрсатган.

Юқоридаги натижаларга асосланиб қуйидаги **хулосалар** шакллантирилди:

1. Ўсмирларнинг зўравонликка мойиллигини тушунишда ижтимоий ва психологик омиллар муҳим роль ўйнайди. Зўравонликни ўрганишда ижтимоий таъсир, ўзини бошқалар билан таққослаш, фрустрация ва ижтимоий изоляция каби омиллар асосий аҳамиятга эга. Шунингдек, оилавий муҳит ва мактаб муҳитининг таъсири ўсмирлар орасида зўравонлик хулқининг шаклланишига таъсир кўрсатади. Зўравонликнинг олдини олиш учун, ўсмирларнинг ҳиссий ҳолатларини, ижтимоий алоқаларини ва рақамли технологиялардан фойдаланишни бошқаришлари зарур.

2. Тадқиқот натижалари, смартфонда сарфланган вақтнинг ортиши ўсмирларнинг агрессивлик даражаси билан боғлиқликда эканлигини кўрсатади. Смартфондан кўп фойдаланадиган ўсмирлар, айниқса, ғазаб, душманлик ва жисмоний агрессия каби агрессив хатти-ҳаракатларни кўрсатган. Бу натижалар рақамли технологияларнинг ўсмирлар психологиясига таъсирини, уларнинг ижтимоий алоқаларини чеклашини ва ҳиссий ҳолатини ёмонлаштириши мумкинлигини тасдиқлайди.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб, қуйидаги **таклифларни** илгари сурилмоқда:

1. Таълим муассасаларида смартфонни чеклаш ва ижтимоий фаолиятларни рағбатлантириш орқали ўсмирлар орасида агрессив хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин.

2. Ўсмирларни кўпроқ ҳақиқий ижтимоий алоқаларда қатнашишга ундаш ва смартфон вақтини чеклаш, уларнинг ҳиссий ривожланиши ва ижтимоий кўникмаларини яхшилашга ёрдам беради.

3. Психологик ёрдам ва стрессни бошқариш бўйича тренинглари ўтказиш, ўсмирларнинг смартфон ва рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжларини соғлом тарзда бошқаришга ёрдам беради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Buss A.H. & Perry M. The Aggression Questionnaire // Journal of Personality and Social Psychology. — 1992. — Vol. 63(3). — P. 452–459.
2. Craig W.M. The relationship among bullying, victimization, depression, anxiety, and aggression in elementary school children // Personality and Individual Differences. — 1998. — Vol. 24(1). — P. 123–130.
3. Olweus D. Bullying at School: What We Know and What We Can Do. — Oxford: Blackwell Publishers, 1994. — 140 p.
4. Бандура А. Агрессия: социально-когнитивный анализ / пер. с англ. — М.: Прогресс, 1979. — 370 с.
5. Берквиз Л. Агрессия: причины, последствия и контроль. — СПб.: Питер, 2001. — 416 с.
6. Доллард Дж., Дуб Л., Миллер Н., Моурер О., Сирс Р. Фрустрация и агрессия. — М.: Изд-во иностр. лит., 1950. — 210 с.
7. Қирғизбоева Н. Ўсмир ёшдаги болаларнинг агрессив хулқ-атворини коррексиялаш усулларини экспериментал модели // Развитие педагогических технологий в современных науках. — 2025. — Т. 4. — №. 3. — С. 64-70.
8. Лобаскова М.М. и др. Психометрический анализ опросника агрессивности Басса-Перри // Теоретическая и экспериментальная психология. — 2021. — Т. 14. — №. 4. — С. 28-38.
9. Нарзиева С.Р. Ўсмирларда девиатсия кўринишлари ва вужудга келтирувчи омиллари // Педагогик тадқиқотлар журнали. — 2024. — Т. 2. — №. 1. — С. 171-175.
10. Сотволдиев Ш.Н. Ўсмирларда агрессиянинг психологик хусусиятлари // Technical science research in Uzbekistan. 2025. Т. 3. — №. 3. — С. 80-85.
11. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. — М.: АСТ, 2006. — 768 с.
12. Шерматов Ж. Ўсмирларда зўравонлик ҳисси намоён бўлишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари // Экономика. — С. 801-805.